Ахборотлашган жамиятда ёшларга таълим беришда инновацион технологияларнинг ўрни

Толибжон Эргашев
ЖДПИ ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада глобаллашув шароитида ёшларга таълим беришда ахборот коммуникация технологиялардан унумли фойдаланиш, ахборотлашган жамиятда ўқувчи ва талабалар ижодий фикрлашини ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жорий етиш ва уларнинг истиқболлари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: *глобаллашув, ахборот коммуникация технологиялари, ёшлар, ахборотлашган жамият, ижодий фикрлаш, инновация, фаоллик.*

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в обучении молодежи в условиях глобализации, развития творческого мышления студентов в информационном обществе, внедрения инновационных технологий в отрасли и их перспективы.

Ключевые слова: *глобализация, информационные и коммуникационные технологии, молодежь, информационное общество, творческое мышление, инновации, активизм.*

Annotation. The article discusses the effective use of information and communication technologies in educating young people in the context of globalization, the development of creative thinking of students in the information society, the introduction of innovative technologies in the field and their prospects.

Key words: *globalization, information and communication technologies, youth, information society, creative thinking, innovation, activism.*

Бутун дунёда техника ва технологияларнинг жадаллик билан ривожланиши, ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, медитцина, қўйингки барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан кириб келиши натижасида янги давр “глобаллашув даври” вужудга келди ва “ахборотлашган жамият” сари илдам қадамлар билан ҳаракатланиб бормоқда. Бугунги даврнинг барча ҳаракатлари ва айни дамдаги ривожи рақамлаштириш, ахборот ва ахборотлаштириш билан тавсифланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ва рақамлаштиришнинг бундай кенг ва тез тарқалиши ер юзидаги мавжуд мамлакатлар иқтисоди, ижтимоий-маданий ҳаёти, сиёсий ва ҳуқуқий

соҳаларини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Ахборотлаштириш сиёсий коммуникация характерига эга бўлиб, давлатчилик тавсифига катта таъсир кўрсатиш имконига эга бўлди, фуқаролик жамияти ва давлат институтлари ўртасида ўзаро муносабатларни сезиларли даражада ўзгартирмоқда.

Шунинг учун янги даврга мослашиш, у яратаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳаётимизни бугунги кун талаблари асосида шакллантириш, ҳаётимизга кириб келаётган модернизация жараёнлари, инновацион фаолият, янгиланаётган Ўзбекистонда энг аввало ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир.

Бугунги очиқ-ошкоралик, ахборот-коммуникация технологияларидан ҳоҳлаганча фойдаланиш имкони мавжуд бўлган, маълумотлар олиш ва узатишда чегара бўлмаган мураккаб глобаллашув даврида ёшларга билим бериш, уларни давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган қилиб тарбиялаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ахборот асрида ҳам буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган сўзларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Фақат яхши билим, яхши тарбия орқалигина ижобий ва салбий ахборотларга тўла интернет оламида яшаётган, тарбияланаётган ёшларни соғлом ва ҳурфикир инсон сифатида камол топтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилдаги Парламентга қилган мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишни таъкидлаб, шу асосида “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини такидлаб ўтган эди. Келажакда рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириши, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда.

Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади”, “бешикдан қабргача-илм изла” деган ҳикматли иборалари бор. Фақат маърифатгина инсонни етук камолга етиштиради, жамиятни тарққиётга етаклайди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда “таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим”.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ цикли 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган давридаги унинг тарбиясига катта эътибор берилади ва катта инвестиция киритилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич 4 баробарни ташкил этади. Шунинг учун бизда ёшларга эътиборни кучайтириб, боғча, мактаб, олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш, узвийлигини таъминлаш, билим беришга ихтисослашган таълим кластерларини ташкил этиш, замонавий инновацияларни жорий этиш зарур. Шунда ёшлар билим олиш узвийлиги вужудга келиб, чет давлатларда билим олишдан кўра Ўзбекистонда билим олишга иштиёқи баланд бўлади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, улардан унумли фойдаланиш, интерфаол технологияларни ишлатиш борган сари кучайиб бормоқда. Инновацион технологиялар ва улар яратаётган имкониятлар натижасида ёшлар ва талабалар ўзини қизиқтирган соҳалар бўйича адабиётларни қидириб топиши, мустақил ўрганиши, таҳлил қилиши ва шу асосида хулоса қилиш имкони бермоқда.

Ахборотга асосланган технологияларнинг кундан-кунга ривожланиши, улардан ёшларнинг унумли фойдаланиши натижасида фуқаролар онги ва дунёқараши ҳам ўзгариб бормоқда. Энди уларда боқимандалик, мутелик, қарамлик, кўчирмачилик иллатлари йўқолиб уларнинг ўрнини ташаббускорлик, инноваторлик, креативлик каби илғор ғоялар эгаллаб, замон билан ҳамнафас фикрлайдиган, янгича онг, янгича дунёқараш, эркин, ижодий баркамоллик шаклланмоқда.

Замонга ҳамоҳанг олий таълим муассасалари ҳам бир томонлама, фақатгина педагог фаоллигига асосланган анъанавий таълимдан фарқли равишда, инновацион педагогик ва ахборот технологияларига асосланган таълим тизимига, модул тизимига ўтмоқда. Бундай тизимда таълим олувчининг фаоллиги кучайиб, унинг ижодий қирраларини очилишига ёрдам берадиган воситалардан унумли фойдаланилади.

Таълим тизимида ахборот-коммуникация воситалари, аудио, видео қурилмалардан фойдаланиш, смарт хоналарда дарс ўтиш жараёнлари натижасида ёшларда креативлик хоссалри ривожланиб, тассаввурлаш, ақлий фикрлаш қобилиятлари ошиб боради.

Ёшларга дарс ва дарсдан ташқари билим бериш ишлари самардорлигини оширишда ҳам ахборот-коммуникация технологиялари жуда яхши иш беради. Улар таълим-тарбия жараёнини илмий асосда йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни амалда қўллаш имконини беради. Таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этиш, таълим-тарбия

жараёнларига янгиликлар киритиш ва янгича ёндашувларни жорий этиш натижасида талабалар, ўқувчилар ва устозлар ўртасида яқинлик пайдо бўлади. Инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Дарс жараёнида ва масофавий билм беришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион технологияларни қўллаш ёшлар ва талабаларда билим олишга қизиқиш, илмий изланишлар олиб боришга иштиёқини оширади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади. Ўзлаштириш сифати ошади. Бунда ўқитувчи ёки машғулот олиб борувчи маҳоротли бўлиши, замонавий билимларни ўзлаштириган бўлиши, давр мавзуларини яхши тушунган бўлиши зарур. Чунки ўқитувчи ёшларга билим беришда бош ислоҳатчи ва ижрочи бўлмоғи зарур. Ана, шунда ўқувчи ва талабалар қисқа вақтда катта миқдордаги ахборотлардан фойдаланиши, уларни тўплаши, зарурияга қараб ишлатиши ва амалиётда қўллай билади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018

2. http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/23319

3.http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7599-globallashuv-zharajoni-va-joshlar